

Бадан поклиги одоблари



11:30 / 15.09.2021 3021

Исломда бадан поклиги бўйича бир қанча ҳукмлар жорий этилган бўлиб, уларга амал қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Бадан поклиги борасидаги диний таълимотларга ихлос билан амал қилган мусулмонлар учун уларнинг бундаги амаллари ибодат даражасига кўтарилади. Улар бадан поклиги йўлидаги қилган ҳар бир ҳаракатларига ажр ва савоблар олишади.

Мусулмон инсоннинг бадан поклиги ҳақидаги Ислом таълимотлари қазои ҳожатдан кейин покланишни ҳам ўз ичига олади. Бу эса, Ислом дини хало одоби масалаларига жиддий қараганидан далолат беради. Аввал айтганимиздек, инсоният тарихида Ислом биринчи бўлиб бу ишларни тартибга солишни бошлаган. Масаланинг жиддийлигидан бу иш одобига Ислом шариатининг иккинчи манбаи бўлмиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг суннатларида алоҳида эътибор берилган. Энг мўътабар ҳадис, фикҳ ва одоб китобларида албатта «хало одоблари» боби ҳам бўлган.

Имом Муслим ва Имом Аҳмадлар Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда у киши қуйидагиларни айтадилар: «Мушриклардан баъзилари истеҳзо ила: «Оғайниларингизнинг сизларга қандоқ қилиб бўшанишни ҳам ўргатаётганини кўряпман», деди. Мен: «Тўғри, у киши бизга қиблага юзланмасликни, ўнг қўлларимиз билан тозаланмасликни, учтадан кам тош ишлатмасликни ва чиқинди ишлатмасликни амр қилганлар», дедим».

Ҳа, Ислом бу ишларни жиддият билан бошлаганда бошқалар истеҳзо қилар эди. Кейинчалик мусулмонлар бошқа юртларга борганларида бу ишларни ўша юртларнинг одамларига ўргата бошладилар. Кўплаб мусулмон саёҳатчилар, тожирлар бошқа юртларда тозалик, поклик, шахсий гигиенага амал қилинмаслигини кўриб, бу ҳақда ажабланиб ёзганлар.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди